

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

САВОБЛИ ИШЛАРДАН БИРИ

ёки ЎзХДПнинг ногиронларга эътибори ва меҳри ҳақида



Ўтган шанба кuni пойтахтимиздаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуи ҳар қанчондан гавҳум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан 80 нафардан ортиқ ногирон ўртасида қизиқarli спорт мусобақаси уюштирилди. Томошабин мусобақа иштирокчиларининг чеҳраларида байрамона кайфият.

Рустамов ногиронларни ихтимолий ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги мавқеи ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чоралар кўрилатгани ҳақида тўхтади. Шунингдек, у ногирон спортчиларнинг Хонобод ҳарбий аэродромдан АҚШ ҳарбийлари қачон чиқиб кетишлари тўғрисидаги саволларига жавоб берди.

спорт байрами иштирокчиси Зукриддин Нурлиев. — Мен сингари ногиронларга қўрсатилаётган ғам-хўрлик ва эътибор учун партия ходимларига раҳмат айтаман. Тил-лагим шунки, шундай тadbирлар тез-тез ўтказиб турилса...

Кези келганда тadbирда тadbирланган яна бир гапни айтиб ўтмоқ жоиз. «Биз ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг Хонобод ҳарбий базаси хусусидаги қарорини тўла қўллаб-қувватлаймиз», дейишди ногирон спортчилар.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, ХДПнинг ногиронлар ўртасида ўтказган спорт турнири барчаннинг кўнглида ҳақиқий байрам кайфиятини тугдирди.

Суратларда: мусобақа иштирокчиларидан бир гуруҳи. **Шоҳбат АКРАМОВ** олган сурат

• 2005-йил • 23-август • Сешанба • 103-104 (27.439) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.

ХАЛҚ ИШОНЧИННИ ОҚЛАШ — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ШУ ЙИЛ 19 АВГУСТ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛДИ. УНДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ҚАТНАШДИ ВА НУТҚ СЎЗЛАДИ

Мажлисида 26 август кuni очиладиган Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб, бу сессияни юқори даражада ўтказиш, унинг кун таркибига бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган долзарб масалаларни киритиш зарурлиги таъкидланди.

Шунинг қайд этиш лозимки, мазкур йиғилишда Олий Мажлиснинг куйи — Қонунчилик палатаси раҳбарияти, кўмита ва партия фракцияларининг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этгани учрашувга алоҳида маъно-мазмун баришлади.

Йиғилиш муҳокамага кўйилган асосий масала, яъни Қашқадарё вилоятиндан сайланган сенаторларнинг «Хонобод» шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги мурожаати билан бирга, Андижон шаҳрида шу йилнинг 12-13 май кунлари содир этилган фожиали воқеаларга баҳо бериш масаласи ҳам кўрилди.

Куйида ушбу мажлиснинг қисқача баёни эълон қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Кенгаш мажлисидаги ўз нутқида мамлакат парламентининг муҳим ихтимолий-сиёсий масалалар буйича фаолияти ҳақида фикр юритиб, бугунги куннинг кўпгина долзарб масалалари, шу жумладан, эл-юртимизнинг тинчлигига ҳавф солиб, барқарорлиқни таҳдид остида қолдирадиган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хатарларга ўз вақтида баҳо бериш ва уларни бартараф этишни ҳаётнинг ўзи ўртага куймоқда, деб таъкидлади.

Мажлисида Андижон воқеаларини ҳолисона таҳлил қилиш, бу фожианинг асосий сабабларини чуқур ўрганиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш ҳозирги вақтда бутун жамиятимизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолаётганига эътибор қаратилди.

Бу террорчилик ҳаракатининг иштирокчилари ўз йўли билан, аммо уларнинг ташкилотчилари ҳақида алоҳида фикр юритиш, ҳақиқий башарасини очиб ташлаш, бу воқеаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, гаразли ва узокни ўйлаб амалга оширилган кўпуровчиликдан қўзланган асл мақсадни фoш этиш, юртдошларимизни бу хуружларни бартараф этиш учун сафарбар қилиш — халқ вакиллари, халқнинг таянчи ва ишончли бўлиши депутатлар ва сенаторларнинг юксак масъулияти ва асосий вазифасига айланиши зарурлиги мунособатини куйидаги хулоса² ларда муҳассам этиш мумкин.

Биринчидан. Андижонда содир бўлган бу машум фожиа тарихимизда, халқимиз ҳаётида кўп йиллар давомида битмайдиган оғир яра, жароҳат бўлди. Энг аввало, бу фожиа туйғули қанча одам ҳалок бўлди.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлаш, эл-юртимизни ҳимоя қилиш учун мардона жон берган ҳарбийларимиз

уни ўзгартиришга қаратилган бу ёвуз ҳаракатларни, юртимиз шаъни ва обрўсига доғ тушириш, халқро майдонда унинг юзини ерга қаратиш учун катта маблаг, катта куч ташлаб, тўхмат ва уйдирмаларни тарқатиб, мамлакатимизга нисбатан эълон қилинмаган информацион урушни ким ва нима мақсадда бошлагани ҳақида халқимиз тўла хабардор бўлиши, уни чуқур англаши лозимлигига алоҳида урғу берилди. Бу — ўта жиддий ва масъулиятли ишга муносиб ҳисса қўйиш барча раҳбарлар, ҳар бир депутат ва сенатор учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши даркорлиги қайд этилди.

Ана шу масалалар депутат ва сенаторлар томонидан атрофлича мунособат қилиниши ҳамда амалий тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сўзга чиққанлар кун тартибидagi масалаларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил этиб, бу масалаларни ўз қалби ва онгидан ўтказиб билдирган фикр-мулоҳазаларининг асосий маъно-мазмунини куйидаги хулоса² ларда муҳассам этиш мумкин.

Биринчидан. Андижонда содир бўлган бу машум фожиа тарихимизда, халқимиз ҳаётида кўп йиллар давомида битмайдиган оғир яра, жароҳат бўлди. Энг аввало, бу фожиа туйғули қанча одам ҳалок бўлди.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлаш, эл-юртимизни ҳимоя қилиш учун мардона жон берган ҳарбийларимиз

бўладими, бегуноҳ қурбон бўлган тинч аҳоли вакиллари бўладими — ҳаммасининг ота-онаси, жигарбандлари, ёру биродарлари бор. Уларнинг ота-онаси, яқинлари олдида бош эгиш, дардига ҳамдард, қайғусига шерик бўлиш — барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Қолаверса, мияси захарланган, алданган босқинчиларнинг ҳам ота-оналари борлигини унутмаслик керак.

Иккинчидан. Афсус билан айтиш лозимки, Ўзбекистон шаънига доғ бўлиб тушган бу фожиа ганимларимизнинг тегиримонига сув куйишга, уларнинг бизга қарши маломат тошларини ёғдирган информацион хуружларига сабаб бўлди. Ана шундай гаразли кучларнинг уйдирмалари Ўзбекистонни бадном қилиш учун уринишларга, мамлакатимизга нисбатан мутлақо асосиз айблар куйилишига олиб келди. Буни барчамиз чуқур тушуниб, зарур хулосалар чиқаришимиз керак.

Учинчидан. Шу кунларда Мустақиллик байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан таъдирлаш масаласи буйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, Андижон воқеаларида ўзини кўрсатган, мардлик ва матонат фазилатларини намойён этган йиғилларимизни ҳам мукофотлаш юзасидан ҳужжатлар тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда)



САМАРҚАНД: ҚЎШ АЙЁМГА ҲОЗИРЛИК



Ер юзининг сайқали бўлиши бу қадим ва навқирон Кент ҳамда шу Кент номи билан аталувчи вилоят ҳудуди кенгликлариди бугун байрам тайёргарлиги ҳар қанчондан қизиган.

Тайлоқ тумани, Мирзо Улугбек номидаги ширкат кўчаларида қишлоқ ёшларини касб-хунарга йўналтирувчи 600 ўринли маънавий кайфиятда бунёд этилган касб-хунара коллежлари қошоналари Мустақиллигимиз-

нинг 14 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Каттақўрғон шаҳрида бундан 20 йил муқаддам қурилиши чала қолган Амфитеатр мажмуаси фойдаланишга топширилди. Яна ўн кундан сўнг бошланажак байрам шодоналари шаҳарда айни шу мажмуада очилади.

— Халқимизнинг энг азиз, энг улуғ байрами вилоятдаги 1055 дан ортиқ маҳалланинг ҳаммасида кутаринки кайфиятда нишонланади, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Бўрибой Бўронов. — Барча шаҳар, туман ва қишлоқлардаги сўлим гўшалар, истироҳат боғлари, хивонлару майдонларда халқ сайли бошланади. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган ва пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорлар жамоалари куй-қўшқлар улашадилар. Маҳаллалар марказлари, ва сайлигоҳларда савдо-маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида бўлади. Дунё халқларининг мусика байрами — «Шарқ тароналари» V Халқаро фестивали би-

лан ҳамоҳанг ва изма-из нишонланаётган улуг байрамимизда минглаб хорижликлар ҳам иштирок этадилар.

— Ўзбек халқи, Самарқанд одамлари жуда меҳмондўст, самимий экан. Шаҳрингизга келиб худди мўъжизалар мамлакатига тўшиб қолгандек ҳис этаймиз ўзини, — дейди французлик сайёҳ Анна Лекайре. — Сарҳуш, ёқимли иқлим, гўзал манзаралар ва энг муҳими, ўта қадимий тарихингиздан ҳижоа қилувчи обидалар менда чуқур таас-

сурот қолдирди. Насиб этса, сафаримиз давомида Мустақиллик байрамларингизни ҳам албатта кўрамиз...

...Қўшалоқ байрам оғушида кундан-кунга қирой онаётган Самарқандда байрам нафаси кезмоқда.

ШУХРАТ ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: шаҳар жамоланиннинг бугунги кўриниши **Хусан ТУҒИЗОВ** олган суратлар



ДАСТУРИМИЗ ҚАНДАЙ ЎРГАНИЛЯПТИ?

ЎзХДП Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари давтавлал партия вилоят кенгаши раисининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарларини тасдиқлади.

Кенгаш раисининг маъқуравий ишлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар йўналиши буйича ўринбосарлигига вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Зиёвуддин Мансуров, хотин-қизлар ва ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш масалалари буйича ўринбосарлигига Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти вилоят кенгаши раиси Дилором Сайфиддинова сайланди.

Шундан сўнг вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев иштирокчиларга савол билан мурожаат қилди: — Партияимизнинг бешинчи қурултойи жамиятимиз ҳаётида тарихий аҳамият касб этади. Чунки, унда муҳолифатдаги сиёсий куч сифатида ўрин топаётган ЎзХДПнинг янги Дастури қабул қилинди. Хўш, Дастуриимиз омма томонидан қандай ўрганилмоқда?

Кишининг нияти пок, дили ва тили бир бўлса, эзгу оруз-ниятларига албатта етади. Партияимизнинг янги Дастури халқ эътиборини ўзимизга

қаратиш учунгина қабул қилинмади. Ундаги мақсадларимизнинг бирортасини амалга оширмай қолгудек бўлса одамларнинг партияимиздан ҳафсаласи пир бўлиши мумкин.

Демак, Дастури чуқур ўрганиш билан бирга атрофдагиларга ҳам тушунирга олишимиз, донимий ҳамкорларимиз бўлган касабга уюшмалари, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшларнинг ихтимолий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нурони» жамғармалари, Ногиронлар жамияти, қолаверса, барча нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда режа тadbирлар белгилаб, тарғибот ишларини таъсирли ўтказишимиз шарт. Бизнинг гоёларимиз бунёдкор гоёлар.

Пленумда партия вилоят кенгашига талаба ёшлардан, ишсиз қолган кишилардан саволлар келиб тушаётгани, уларни маҳаллий ҳокимият вакиллари ва кўпни кўрган маслаҳатчилар билан кўриб чиқиб, жавоб изланаётгани, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясига мурожаат қилиш зарурати тугилаётгани ҳақида ҳам гапирилди.

Пленум ишида сиёсатшунослар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

ХДП Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Бухорозардоқ» ҳиссадорлик жамиятига кўп кишилик оммавий тadbир ўтказилди. Шаҳар партия кенгаши раиси Робия Қозимов айтилганларни яқинлаштириб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигининг 14 йиллиги билан қўзғин табриклариди ва партияимизнинг дастурий гоёларини атрофлича тушунтирди. Шаҳар ҳокими Абдулла Музаффаров тadbирда қатнашиб, кам таъминланган оилаларнинг фарзондларига совғалар улашди. Машҳур зардоқ, Ўзбекистон Қаҳрамони Муъассар Темирова ХДПга янги қабул қилинган аъзоларга тантанали равишда партия билетларини топширди.

Шайхонтоҳур туман кенгаши пойтахтимизнинг Ибн Сино номи маданият марказида Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган «Санъат ва спорт

гўзалликка чорлайди» деб номланган байрамона тadbирини ўтказди. Унда Ўзбекистон халқ артистлари Еқуб Аҳмадов ва Қўнғуз Мирқаримовлар иштирок этишиб, маҳалла ҳақида, ёшларни баркамол, қомил инсонлар этиб тарбиялаш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тўртқўл туман кенгаши Ўзбекистон ХДП янги Дастурини ўрганиш буйича семинар бўлиб ўтди. Унда БПТ раислари, жамоат ташкилотлари ҳамда ХДПга хайрихоҳ овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари иштирок этидилар.

Андижон шаҳар кенгаши Қурувчилар кўни муносабати билан Қуришлик материаллари ишлаб чиқариш комбинати очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида байрам тadbирини ўтказди. Унда комбинатда меҳнат қилаётган 120 нафар ишчи-хизматчи қатнашди. Тadbир давомида Халқ демократик партияси сафига кириш истагини билдирган 8 киши партия аъзоллигига қабул қилинди.

Фарғона вилоят кенгашининг куйи ташкилотларида партияимизнинг V қурултойи қарорлари ва Марказий Кенгаш III пленуми

ҳужжатлари кенг ва атрофлича ўрганилмоқда. Бағдод, Ўзбекистон, Тошлоқ, Қува, Марғилон, Бешарик, Фарғона шаҳар ва туман кенгашларида шу мавзуга оид йиғилишлар бўлиб ўтди.

Хонқа туман кенгашида Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ва ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти томонидан ташкил этилган «Оилавий таълим дастури» буйича семинар-тренинг ўтказилди. Унда Тошкент педиатрия тиббиёт институти олимлари, лойиҳа дастури буйича мутахассислар, болалар боғчалари тарбиячилари малакасини ошириш маркази ходимлари сермазмун маърузалар қилишди.

Хива туман Кенгаши, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Камолот» ЕИХ туман бўлимида халқимизда спорт мусобақаси ташкил қилинди. Ушбу спорт мусобақасида Соёт қишлоғидаги 6 та маҳалланинг 16 ёшча бўлган болалари куч синашдилар. Мусобақа гоилибларига соврин ва дипломлар топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК маъбуот хизмати

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANMOKRI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

ХАЛҚ ИШОНЧИННИ ОҚЛАШ — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

Бу ҳақда гапирганда, изтироб билан айтиш лозимки, ана шу йигитлар қаторида хавфсизлик хизмати, ички ишлар, махсус ҳарбий қисмларда хизмат қилган 7 нафар марҳум ўғлонларимиз бор. Хали ҳаётга тўймаган, юрагида орзу-хаваслари кўп бўлган бу йигитларнинг таржимаи ҳоли, хизмат фаолияти билан танишар экан, одам хайратда қолади — юрт бошига иш тушганда, хавф тушганда улар ҳеч иккиланмасдан, ўзини четга олишни хаёлига ҳам келтирмасдан, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.

Униб-усиб келаётган фарзандларимиз орасида ўзининг жонини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун фидо этишга тайёр бўлган шундай доврак ўғлонларимизнинг борлиги — Ватанимизга гаразли ният билан қўз олайтирадиган ҳар қандай босқинчилик ва тажовузкорлик уришларининг олдини олиш, муқаддас заминимизни барча хатарлардан ҳимоя қилишнинг ишончли ва мустақкам қафолатидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу муносабат билан ҳар қайси ўзини эр йигит, мард деган инсон — у ким бўлмасин, оддий деҳқон ёки ишчиси, депутат ёки сенаторми — ўз-ўзига шундай савол билан мурожаат қилиши табиий: агар мен ана шу йигитларнинг ўрнида бўлсам, ўзимни қандай тутардим? Ўзимни аямасдан, ширин жонимни, ҳаётимни юрт учун беришга қўриб, мардликнинг етаримиди?

Мана шундай қалби, юраги пок, қатъиятли, мард йигитларга тарбия берган, уларни воёга этказган, оқ ювиб, оқ тараб, Ватан ҳимоясига, ҳарбий хизматга йўллаган ота-оналар ва маҳалла-қўй жамоатчилиги, уларнинг қариндошлари ва яқинларига ҳар қанча тасанно ва миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Юртимизнинг барча шахар ва қишлоқларида шундай ўй-хаёл, шундай фикр билан яшайдиган, ўзини ҳар қандай синовга тайёрлаб юрган жасур йигитларимизнинг қўлиги одамга куч-куват ва ишонч бағишлайди.

Тўртинчидан. Андижонда содир бўлган воқеаларга муносабат билдириб, матбуот ва телевидениедаги, фуқаролар орасидаги кўпгина чиқишлар баҳо бериб, мажлис иштирокчилари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаганини афсус билан таъкидлашди. Авваллабор, депутат ва сенаторлар, жамоатчилик етакчилари ва кайовилар кўпроқ юзаси, таъсири йўқ, эски қолиплар доирасида ўралашиб қолгани, аксарият ҳолларда жиддий таҳлиллар ўрнига, масалани чуқур очиб бермайдиган савё усул ва шакллар устунлик қилгани айтиб ўтилди.

Албатта, буларнинг ҳаммасини қўриб-билиб турган сайловчиларимиз, юртдошларимиз барчамизга қандай баҳо бермоқда? Бу савол ҳар қайси раҳбар, депутат ва сенаторни шу ҳақда жиддий ўйлашга, фикр юритишга даъ-

ват этади.

Мажлисда шу фикрлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уларнинг атрофида кўпгина танқидий ва ҳеч кимни беварқ қолдирмайдиган мулоқазалар билдирилди, оғир ва қаттиқ саволлар ўртага қўйилди.

Шу борада, минг афсуски, ҳали-бери орамизда кўп учрайдиган иллатлар — бепарволик, лоқайдлик, оч қорчим — тинч қўлоғим, деган фалсафа билан яшашни ўзига маъқул қўриш, мураккаб синовлардан ўзини олиб қочиш каби эски асоратлар, кўпгина раҳбар ва мансабдорларга, вазифада ўтирганларга хос бўлган сен — менга тегма, мен — сенга, деган номақбул қарашлар бошимизга иш тушган айнан мана шундай дамларда ўзини яққол намоён қилади.

Ўзининг шахсий манфаатларини, бугунги ва эртанги ҳаловатини халқ манфаатидан устун қўйиш, ҳар эҳтимолга қарши, ким билади, эртага замон ўзгарса, мен қай аҳволда қоламан, қандай мансаб ва имтиёزلардан жудо бўламан, деб ўйлаш ва шундай фикр билан яшаш — айрим вазифа курсида ўтирган шахслар учун одатта айланаб қолгани ҳам, афсуски, ҳеч кимга сир эмас.

Ҳаммамиз бир нарсани яхши тушуниб, ўзимизга хулоса қилиб олишимиз керак. Ўзини раҳбар, етакчи деб ҳисоблайдиган, депутат ёки сенатор ваколатига эга бўлган ҳар қандай инсон халқимизга қарши, эл-юртимизга қарши қаратилган зарбани, керак бўлса, найзани — аввало унинг ўзига қаратилган ҳаракат, деб қабул қилиши даркор. Ва бу хавфни қўлга олиш қалқон қилиб, худдики ўзининг юрагига найза урилаётгандек қабул қилиши керак. Агар бундай мардлик кўрсатиш учун қўриб, куч-қудрати, ақл-заковати етмаса — уни раҳбар ёки депутат бўлишга ҳеч ким мажбурлагани йўқ.

Мажлисда «АҚШ қўролли кучларининг контингентини «Ханобод» аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаати тўғрисида»ги масала атрофича муҳокама қилинди.

Кенгаш йиғилишида Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторлар сўзга чиқиб, шу масала юзасидан фуқаролардан кўплаб шикоят ва аризалар тушадигани ҳақида ахборот беришди. Сўнгра, «Ханобод» аэродромидан фойдаланаётган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини у ердан олиб чиқиш зарурати бўйича далил-исботлар баён қилинди.

Мазкур мурожаатда «Ханобод» аэродромидан атрофича истиқомат қилаётган кишиларни, бугун Қашқадарё вилояти аҳолисини ташвишга солаётган қатор сабабларга эътибор қаратилди. Аввало, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли оғир самолётларнинг учиб-қўниши атроф-муҳитга, вилоятнинг табиатига, аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, аэродром атрофи-

да истиқомат қилаётган аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги фаолияти билан боғлиқ ишларида, кундалик ҳаёт тарзида кўплаб муаммолар туғдиarmoқда.

Сенат Кенгаш қашқадарёлик сенаторларнинг мурожаатини атрофича муҳокама қилди ва уни қўллаб-қувватлаб, бу масалани Сенатнинг навбатдаги сессияси йиғилиши муҳокамасига қиритишга қарор қилди.

Бу масала юзасидан бўлиб ўтган фикр алмашув ва муҳокамалар чоғида кўйилган ҳолатларга алоҳида эътибор берилди.

«Ханобод» аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбийларининг кейинги тақдирини, юридик ибора билан айтганда, уларнинг статуси ҳақидаги масала Ўзбекистон томонидан 2002 йилнинг охирида АҚШ раҳбарияти вакиллари олдига қўйилган эди. Яъни, Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимда кўрсатилган муддат — бир йил ўтиши билан бу масала ўртага қўйилди.

Бунда Афғонистон ҳудудида фаол ҳарбий ҳаракатлар туғаш муносабати билан бу аэродромдаги ҳарбийларнинг кейинги тақдирини билан боғлиқ масалани ҳал этиш заруратида АҚШ томонининг эътибори қаратилди. Лекин АҚШ вакиллари турли сабабларни рўқач қилиб, бу масalani ечишни орқага сўриб келди.

Айни пайтда, ушбу аэродромни Америка ҳарбийлари ажаратиш учун Ўзбекистон томонидан сарф қилинган маблағларни қоплаш масаласи бўйича музокаралар ҳам улар томонидан чўзиб келинди.

Олиб борилган музокаралар давомида Ўзбекистон томони дунёдаги энг юксак тарақли тоғлан қучли давлат билан алоқани бузиш эмас, аксинча, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш ва шундан манфаат топишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Минг афсуски, давлатимизнинг мана шундай интилишига АҚШ раҳбарияти томонидан эътибор берилмади.

Кенгаш йиғилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон жаҳон миқёсида, биринчи галда Марказий Осиё ҳудудида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун мустақкам пойдевор ва қафолатларни таъкид қилиш тарафдори эканини таъкидлашди.

Мажлисда шу фикрга алоҳида ургу берилдики, ҳар қандай ҳудудда бирон бир ҳарбий база пайдо бўлса, унга қарши бўлган, уни йўқ қилишга қаратилган кучлар ҳам пайдо бўлиши муқаррар. Бу — фалсафа эмас, ҳаётий ҳақиқат.

Шунинг учун Марказий Осиёда жойлашган ҳарбий базалар, умуман айтганда, қанча кам бўлса ва уларнинг бу ерда мавжуд бўлишига барҳам бериш — бунинг ўзи шу минтақда, шу ҳудудда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қўшилган энг катта ҳисса бўлади.

Бугун Марказий Осиё минтақасидаги мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир вазиятда Сенат Кенгаш олдимида турган энг муҳим ва долзарб вазибалар қаторида сезгирлик

ва ҳушёрликни янада қучайтириш масаласини ўртага қўйди.

Бундай гоят хатарли шароитда давлатимиз, ҳукуматимизнинг мана шундай хавф ва таҳдидларни инобатга олиб, яққо ягона тўғри сиёсатни танлаб олиши ва юритишида, эл-юртимизни бало-қазолардан омон сақлашда, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажакни қуришда барчамиз — биринчи раҳбардан тортиб энг оддий фуқарогача ўз масъулиятимизни сезиб, ҳар қайсимиз ўз жойимизда бизга юклатилган, ишчи топширилган ишни виждонан бажаришимиз даркор.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Ана шу мақсад йўлида, халқимизнинг тўб манфаатларига жавоб берадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва олиб боришда барчамиз масъул ва жавобгар эканимизни ҳар томонлама англаб яшашни бугун замоннинг ўзи энг муҳим ҳаётий заруратга айлантирмоқда.

Юртимизда давлат ва жамиятини бошқариш соҳасида демократик таъминларни қучураштириш борасида кейинги пайтда сезиларли, қатъиятли ислохотлар ўтказилмоқда ва улар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, мамакатимизда икки палатали парламент тузилиб, қўйи палата — Қонунчилик палатаси билан бирга юқори палата — Сенат шаклланди. Ва аввал Президент бошқарадиган ва бажарадиган кўпгина ваколатлар Сенат тасарруфига берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ўзгариш ва янгиланишларни қучишимиз табиий, албатта. Ва ана шундай кенг ва ўта муҳим ваколатларга эга бўлган парламентимиз ўз масъулиятини ошириши ва ҳаётнинг ўзи олдимидаги кескин қилиб қўяётган мураккаб ва таҳликали масалаларни ҳал қилишда ўзини кўрсатиши даркор.

Мажлисда катта таассуф билан таъкидландики, Олий Мажлис фаолиятида, айрим депутатларнинг қарашларида ҳали-ҳануз эскича ёндашувлар ҳўкм сурмоқда. Бугунги ҳаёт талаблари, бугунги вазият тақозо этган вазибаларни бажаришдаги заифлик, масъулиятни ўзига олмастик, кимнингдир соясига яширинишга уриниш — ана шундай эскича қарашларнинг яққол қўрилиши бўлиб қолмоқда. Вақола-ки, ҳўкимиятнинг ҳар бир тармоғи ўзининг ваколат доирасида ўз вазибаларини сидқидилдан адо этиши зарур.

Ҳам давлат идораси, ҳам ижтимоий идора бўлиши парламентимиз, халқ ваколатига эришиб, демократик таъминларни ўз фаолияти учун асос қилиб олган, қўп имкониятларга эга бўлган Олий Мажлисимиз ўз салоҳиятини намоён этиши, давлатимиз олиб бораётган сиёсат, авваллабор, ташиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўз жавобгарлигини кўрсатиши, халқимизнинг ишончини оқлаш учун бор куч-имкониятини сафарбар қилиши — бугунги куннинг энг долзарб вазибаларидир.

(ЎЗА)

ҲАМИД ҒУЛОМ



лари нашр этилди. У айниқса, насрий асарлари билан элга танилди. «Машъал», «Би-нафша атри», «Машраб» каби романлари XX аср ўзбек адабиётини бойитди.

Атоқли адиб драматургия соҳасида ҳам салмоқли ижод қилди. Унинг «Уғил ўйлантириш», «Тошболта ошиқ» сингари комедиялари республика ва хориз театрларида муваффақият билан саҳналаштирилиб, томошбинлар ўртасида кенг шўхрат қозонган эди.

У бадий таржима соҳасида ҳам самарали фаолият кўрсатиб, Пушкиннинг «Богнасарой фонтани», «Тош меҳмон», Шекспирнинг «Ун иккинчи кеча», Лопе де Веганинг «Кўзибулоқ» каби асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Ҳамид Ғулом мустақиллик йилларида ҳозиржавоб публицист сифатида ўзининг бади ва мақоалари билан истиқлолимизни тараннум этишга муносиб ҳисса қўшди.

У қаерда ишласин, ўзи-

нинг ташкилотчилиги, билим ва тажрибаси билан жамоатчилик ҳурмат-эътиборини қозонган эди.

Ҳамид Ғуломнинг адабий ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари, «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шўхрати» орденлари ва «Шўхрат» медали билан тақдирланган эди.

Ажойиб инсон, садоқатли дўст ва меҳрибон устоз Ҳамид Ғуломнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, М.ШАРИФҲЎЖАЕВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Р.ҚОСИМОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, САИД АҲМАД, Э.ВОХИДОВ, РАМЗ БОБОЖОН

НАВБАТ — ДУНЁ БОЗОРИГА

Улуғ байрам арафасида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимидаги «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятида янги маҳсулот — ранги шиферлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди



Ўз фаолиятини ўтган асрнинг 60-йилларида шифер ва турли ҳажмдаги асбоцемент қувурлар ҳамда қатор биночиқорлик материаллари ишлаб чиқаришдан бошлаган корхона учун истиклол йиллари янгиланиш даври бўлди.

Шу кунларда бу ерда «Оҳангароншифер» тамғаси билан ортилган маҳсулотлар темир йўл излари ва авто йўллар орқали белгиланган манзиллар томон ошмоқда. Жамоа ишлаб чиқараётган 6 турдаги биночиқорлик материаллари — саккиз түлкүнли шифер, ясси шифер, керамикали черепица, асбоцемент қувурлар ва фиш ҳамisha харидориги.

Илгари корхонада фақат оқ рангда шифер ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда қизил, ашия рангли бежирим шиферлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буюртмага кўра бугунгача 20 минг дона ана шундай шиферлар тайёрланди. Умуман олганда жамиятда йилга ўртанча ҳисобда 8-9 миллион донадан зиёд, турли хил рангдаги шиферлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Биргина ўтган 2004 йил-

да 21 миллиард 464 миллион 700 минг сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди, — дейди **акциядорлик жамияти раиси Исмомил Исмомов**. — Жорий йилнинг етти ойи мобайнида бу ракам 14 миллиард сўмдан ошди. Яқинда маҳсулотларимиз турли каторига қуруқ қичқиндилардан тайёрланган 400x200 миллиметр ўлчамли фишлар ҳам қўшилди. Навбат — бинолар деворлари ҳамда унинг полларини пардозлашда ишлатиладиган керамикали плиталар ишлаб чиқаришга келди...

Жамият раиси фахрлиб сўзлаётган ютуқларга эришишда корхонада ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча жараёнлар тез ва сифатли бажарилаётганлиги ҳамда энг илғор технологияларни қўллаш ва уларни изчил тақомиллаштириб бориш эвазига бўлаяпти. Шу боиски, эн-

диликда, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда, қолаверса, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан Қозоғистон, Грузия, Арманистон, Туркменистон ҳамда Озарбайжон давлатларига ҳам етиб бормоқда.

Яна бир янгиллик: энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида корхонада янги компрессор мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу пардозлашда ишлатиладиган керамикали плиталар ишлаб чиқаришга келди...

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: асбоцемент қувурлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи **Иҳром Айнақулов** (ўртада) ишчилар **Урозали Маҳжумов**, **Қанат Нисанбоев** ҳамда **Наил Зинатовлар** билан эртанги кун режалари ҳўсўсида суҳбатлашмоқда; корхонанинг илғор ишчиси **Алишер Норбеков** иш устида.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар



САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ — ХОРАЗМДА

«Экосан» халқаро ташкilotи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тиббиёт усулчилари билан жиҳозланган ҳамда инсонпарварлик юки ортилган навбатдаги саломатлик поездини Хоразм вилоятига юборди.

34 миллион сўмлик кийим-кечак, пойабзал, кўрпа-тўшак гилофлари, санитария-гигиена, дезинфекция воситлари, инсонпарварлик юкларини тақсимлаш комиссияси орқали вилоятдаги тиббиёт муассасалари, мурувват уйлари, болалар уйлари ҳамда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга топширилади.

Саломатлик поездида Хоразмга ташриф буюрган малакали шифокорлар 8 кун мобайнида вилоятнинг Хазорасп, Богот, Янгиариқ, Хонқа, Урганч, Шовот, Гурлан, Ўшқўпир туманларининг узоқ қишлоқларида бўлиб, у ердаги аҳолини тиббий қўриқдан ўтказадилар.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Муносабат

Қадимги Юнонистонда ўлим жазоси жиноятчиликнинг олдини олишдаги энг самарали усул сифатида қўллангани маълум. Туронда эса зардуштирлар «инсон қилган гуноҳи учун гуноҳдор бандлар эмас, балки муқаддас Ахурамазда жонини олиш керак» деган фикр тарафдори бўлганлар. Ўлим жазосига лойиқ қўрилган гуноҳдор бандлар тақдир ҳўқими га ҳавола қилиниб, қир-адирларга ташлаб келинган.

Умуман олганда, ўлим жазосига муносабат турли даврларда турлича бўлиб, бу кўпгина шу давлатнинг жиноятчилики қарши юргизаётган сиёсати билан боғлиқ бўлган. XVIII асрда яшаб ўтган машҳур италян гуманисти, «Криминалогия» фани асосчиси Чезаре Беккарианинг ўлим жазоси ҳақида айтган фикрларини эслатиб ўтиш ўринлидир. У «бениқсон ишлаб турган бошқарув тартибидида ўлим жазосини қўллаш энг фойдали ва адолатли усул бўлармикан?» деган фикрни ўртага ташлаб, ўз давридаги ҳўкумат олдиға «инсониятга бу ҳўқуқни ким бергани, охир-оқибат инсон инсонни ўлдирса» деган ўринли саволни қўндаланг қўйган.

1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларацияси»да ўлим жазосини бекор қилиш ҳараёни аниқ белгиланди. Унинг 3-моддасида шундай дейилади: «Ҳар бир инсон яшаш ҳўқуқига эга, ҳеч ким бировнинг жонига қасд қилишга ҳақли эмас».

Дарҳақиқат, қонун устуворлиги таъминланган, демократик инсти-

туллар ривожланган фуқаролик жамиятида бундай жазо турди этилди ва инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати олий нўмат сифатида қадрланади.

Ҳозир дунё мамлакатлари ичидида ўлим жазосига нисбатан шундай ёндашув тарафдори бўлган давлатлар сони кўпайиб бормоқда. Яқиндаги мاتبутда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон мамлакатимиз ҳам улар савфига қўшилганлигини билдиради. Ушбу Фармон халқро ҳўқуқнинг

зимлигини, давлат бир умр жиноятчиларни боқишга мажбур эмаслигини ўз фикрларида изоҳлайдилар. Бу бир томонлама юзаси қарашдир. Аслида масаланинг тўб моҳияти бизга кўпгина ҳақиқатларни аналтади.

Аввало, ҳар қандай жиноят учун жазоланг муқарарлиги, жиноят содир қилганларнинг жазоси қолмаслигини унутмаслигимиз керак. Аслини олганда ўлим жазосининг умрбод ёки узоқ муддатта озодлиқдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши — бу, қотил мутлақо кечирилди, ўта

фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда тақор жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади (ЖКнинг 42-моддаси). Ўлим жазоси эса бу мақсадларга мутлақо эидир.

Иккинчидан, ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳўқуқ тизимини янада демократлаштиришда муҳим босқич ҳисобланади. Инсонпарварлик таъминларига зид деб қаралаётган ўлим жазосининг амалда мавжудлиги демократия талабларига жавоб бермайди.

Учинчидан, жиноятчини ўлим

ЯШАШ — МУҚАДДАС ҲУҚУҚ

асосий принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига тўла мослиги билан ажралиб туради. Ўлим жазосини бекор қилиб, ўрнига умрбод ёки узоқ муддатта озодлиқдан маҳрум этиш жазосини жорий этиш ҳақидаги бу чора-тадбирлар жиноят учун жазо тайинлаш тизимини либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантуқий давомидир.

Фармоннинг мазмуни юксак инсонпарварлик гоёси билан суғорилган. Лекин оғир жиноятлардан жабр кўрганлар «фалончини ўлдирган шахс албатта ўлимга маҳрум қилинмиш лозим» деб ҳисоблайдилар. Улар наздида жиноятчи яшайдиган маҳрум бўлиши керак. Улар ўлим жазосини олиб ташлаш жиноятчиликнинг қўпайишига олиб келиши мўмкинлигини, жазо ҳар кимнинг жиний қилимидага яраша бўлиши ло-

оғир жиноят учун бериладиган жазо тўхтатилди, дегани эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидида энг оғир ва муҳим жиноятлардан ҳисобланган қасддан одам ўлдирши, терроризм жиноятларини содир этган шахсларга ўлим жазоси эмас, балки умрбод ёки узоқ муддатта озодлиқдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Бу эса жиноятчиларга энгиллик яратилди, деган фикрни туғдирамаслиги керак. Сабаби, ўлим жазоси ижро қилиниши билан шахс ҳамма азоб-қўбатлардан қутилади. Узоқ муддатли ёки бир умрлик қамок жазо эса жиноятчини ҳаётининг сўнги дақиқаларигача азоблайди. Менимча, виждон кўноғи ўлим жазосидан оғирроқдир.

Ўлим жазосининг Жиноят кодексидан чиқарилиши қўндаги ҳолатлар билан изоҳланади.

Биринчидан, жазо маҳкумини ахлоқдан тузатиш, унинг жиний

жазосига ҳўкм қилаётганда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, жумладан судлар хатога йўл қўймаслигига юз фоиз қафолат йўқ. Шўро давридаги суд амалиёти ва бошқа давлатларнинг тарихидан жиноятта алоқаси бўлмаган шахсларнинг ўлим жазосига ҳўкм қилиниб, ҳўкм ижро этилганидан кейин уларнинг оқланганини тасдиқловчи миқооларни қўллаб келтиришимиз мўмкин. Бу ҳолатда эса ўлимга маҳрум қилинган «жिनоятчи»ни ҳаётга қайтариб бўлмади.

Эгулик, олижаноблик ва инсонпарварлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу Фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишларимизнинг узвий давомидир.

Шўқуржон РАҲАПОВА, Жиноят ишлари бўйича Амурарё туман судининг раиси

ЯҚИН ШАРҚ:

ҒАЗО МИНТАҚАСИ ДЕЯРЛИ БЎШАТИЛДИ

Исроил армияси Ғазо минтақасидаги исроилликларни олиб чиқиш кетиши низошига етказмоқда. Охириги бўлиб Нецарим ноли турар-жойдаги аҳоли кўчирилди. Ундан олдинроқ армия девяри ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан Слав, Катиф, Дугит, Неве-Декалим, Ацмона, Элей-Синай ва Нисанит каби турар-жойлардаги аҳолини кўчириб бўлишганди.

Бу жойларнинг аксарияти жума кўни эрталабта қадар бўш бўлиб қолганди. Аммо аскарлар ҳар бир уйни текшириб, кўчишга норози бўлганларга эвакуация ҳақидаги хабарнома ларни тарқатиб чиқди. Душанба кўни эрталабта исроилликларнинг 21 турар-жой манзилдан йиғирматаси Ғазо минтақасидан расман кўчириб бўлинди.

Исроил армияси кўчиб кетган исроилликлар уйлари буза бошлади. Бунинг учун Ғазо минтақаси жанубига 200 га яқин бульдозер келтирилди. Дастлаб Ариэль Шарон бошчилигидаги ҳукумат биноларни бус-бутунлигида Фаластин мухторияти раҳбариятига топшириш таклифини олга сурганди. Аммо бу таклиф мамлакатда қаршиликка учради.

Исроил ҳукуматининг яқшаб кўни ўтказ-

ган ҳафталик йиғилишида яна бир муҳим ҳужжат имзоланди. Ҳукумат Иордан дарёсининг ғарбий қирғоқдан тўртта турар-жой манзилни бўшатишни тасдиқлади. Бу жойларнинг иккитаси бўшаб бўлди, аммо яна иккитасида кўчишга қатъиян қарши бўлган одамлар бор. Армия маълумотига кўра, бу одамларнинг аксарияти қуролланган.

Ғазо минтақасидан кўчирилган оилаларга ҳукумат томонидан ёрдам пуллари миқдори белгиланди.

Унча катта бўлмаган оила 250 минг долларга яқин ёрдам пули оладиган бўлди. Ёрдам миқдори оиланинг катталиги ва оила босиб олинган ерларда қанча мuddат яшаганлигидан келиб чиқиб белгиланган.

Ўз турар-жойларида фермерлик билан шуғулланган шахсларга ташлаб кетилган ер учун алоҳида тоvon туланади. Бунинг учун уларга 400 минг долларгача пул берилиши мумкин. Қонун бўйича бу пуллар уч йил давомида туланади.

— Биз Ғазо минтақасидаги фуқароларимизга кўчиш ҳақида сўз очганимизда, улар бу нарса бир кун содир бўлишига умуман ишон-

маган экан. Энди эса улар муаммоларни бирдан ҳал қилишга уринишмоқда, — дейди «Села» агентлиги вакили Хаим Альтман. Шунинг учун ҳам агентлик хизматчиларига баъзи муаммоларни жойида ҳал қилишга тўғри келмоқда.

Исроил Иордан дарёсининг ғарбий қирғоги ва Ғазо минтақасини 1967 йилда олти кунлик уруш натижасида босиб олган эди. Халқроқ ҳамжамият бу ҳаракатларни ноқонуний, деб ҳисоблайди.

Би-Би-Си хабар беришича, дастлаб Исроил бош вазири Ариэль Шарон босиб олинган ҳудудларга исроилликларни кўчириш сиёсатининг тарафдори эди. Аммо ҳозир у умуман тескари сиёсат ташаббускори бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам айни пайтда Ғазо минтақасидан кўчишга мажбур бўлганлар ва уларнинг тарафдорлари уни сотқинликка айблаганмоқда.

Шу орада Фаластиндаги радикал ХАМАС ташкилотининг ҳарбийлашган қаноти Ғазо минтақаси бўшаб қолганидан кейин ҳам Исроилга қарши фаолият юритишни давом эттиришни маълум қилди.

«Ғазо — бу ҳали бутун Фаластин эмас», — деди ХАМАС вакили. «Ғарбий Қирғоқ ва Куддус ҳақида гап кетадиган бўлса, биз уларни Ғазо минтақасини бўшатишига олиб келганидек, қаршилик кўрсатиш йўли билан қайтармоқчимиз», — деди у.



ПРЕЗИДЕНТ ВАЪДАСИ

Россия президенти Владимир Путин Чеченистон парламентига сайловни 27 ноябрь кўнига белгилamoқчи.

Россия раҳбари бу ҳақда Чеченистон президенти Али Алханов билан Сочидаги қароргоҳида ўтказган учрашуви давомида маълум қилди. Алханов Путинга мурожаат қилиб, Чеченистондаги вазият сайловни тезлаштиришни тaқозo эътиборини айтди. Президент эса бу фикрни маъқуллаб, сайлов ўтказишга доир фармонни имзолашга ваъда берди.

Европа Кенгашининг парламент ассамблеяси ва халқроқ ташкилотлар Чеченистонда очик ва ҳаққоний сайловлар ўтказилиши чечен инквизицияси ҳал қилишда катта қадам бўлади деб ҳисобламоқда.

Хуришд РАУПОВ

МАРАДОНА ВИЛАН УН ОҚШОМ

Мадриднинг «Реал» клуби юлдузлари Зинедин Зидан, Роналдо ва Роберто Карлос бир ҳафта давом этадиган «Диего Марадона билан ўн оқшом» ток-шоу дастурида қатнашишга рози бўлишган. «Мен «Реал» уйинчилари билан суҳбатлашдим. Улар бундай ток-шоуда қатнашишга рози бўлишди. Шунингдек, Уругвай терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Энцо Франческоли ҳам ташириш буюрмоқчи», — дейди Марадона.

Қизиги шундаки, афсонавий футболчи бундай дам олиш дастурига Аргентина Президенти Нестор Кирхнер билан Куба раҳбари Фидел Кастро билан ҳам таклиф қилмоқчи. Маълумки, Кастро Марадона билан кўндан бери дўстона алоқада.

Ток-шоунинг биринчи кўни футбол қироли Пеле меҳмонлар билан мулоқотда бўлди.

КАСПАРОВ БОЖХОНАДАН УТОЛМАДИ...

Чегара хизмати ходимлари ўз ватанига қайтаётган шохмот бўйича XIII жаҳон чемпиони Гарри Каспаровнинг ҳужжатларини кўздан кечириш пайтида уни бироз қийин аҳволда қолдиришди. Шохмотчининг сузига қараганда, Хорватиядан қайтаётиб, 25 дақиқа мобайнида чегарада ҳужжатларини расмийлаштирилмаган.

«Ҳужжатларни топириш дарчасига яқинлашганимда, — дейди Каспаров, — паспортимни кўздан кечираётган лейтенант аёл даб-дурустдан менга кутиб туришмини таклиф қилгач, ёнимга чегарачи лейтенант яқинлашди ва ҳужжатларимни олиб нари кетди. У кимгадир кўнгирок қилиб нималариндир ҳал қилишга уринди. Қўлогимга эса «Қандай қилиб Россия фуқаросини ўз мамлакатига ўтказмай турман», деган гаплар чалинди. Шундан кейин менинг исм-шарифим ёзилган рўйхат рўпарасида қора белги қўйилгани сабабини ўрганишим кераклигини уйладим».

Интер-спорт

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Фаргона вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:
Лот 16-1 Ёзёвон тумани, Бўтқачи қишлоғидаги 26-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Лот 16-2 Бувада тумани, Янгикўрғон қишлоғидаги 5-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.
Лот 16-3 Олтиариқ тумани, Олтиариқ марказидаги 4-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.

Барча умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш мuddати — 01.07.2006 й.

Манзил: Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 24-24-33

Қурилиш-монтаж ишлари бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари фонди ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли каобий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан сав-

до ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 24-18-71, 24-18-76.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сум.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очик кўни ва вақтгача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши мaтбуoтда эълон чоп этилган вақтдан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

АРАБ ДУНЁСИ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Шарҳ

Ҳозир жаҳонда йиғирматадан ортик араб давлатлари бор. Уларнинг аксарияти АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари таъсиринда. Кўплаб араб етакчилари ана шу таъсир остида сиёсат юритганликлари туфайли умумараб манфаатига дахлдор масалаларда қарор қабул қилишда яқдиллик етишмаяпти. Баъзи етакчилар ҳал қилувчи ҳолатларда тазийк ўтказувчи давлат нима дер экан, деб иккиликка қоллишади. Жумладан, Яқин Шарқ ва Ироқ масалаларида шундай бўлди.

Шунинг учун араб дунёси бу йил Жазоирда бўлиб ўтган саммитда Араб Давлатлари Лигаси (АДЛ) доирасида бу масалани атрофлича муҳокама қилиб олдидилар. Жумладан, Жазоир Президенти Абдулазиз Бутефлика араб мамлакатларидаги демократик ўзгаришларга эътиборни қаратар экан, бу борадаги ислохотларнинг йўналишини араб дунёсининг ўзи белгилейди, бу нарса бизга ташқаридан олиб кирилмаслиги зарур, деди. «Биз бу борадаги ислохотларни бошладик, — деди Жазоир Президенти. — Агар биз янги глобал стратегия ҳақида гапирадиган бўлсак, шубҳасиз, биз араб маданияти ва бирлигига содиқ бўлиб қоламиз».

«Калнинг нимаси бор — темирдан тароғ!» деганларидек, Ғарб дунёсининг ўткир бир қуроли — демократияси бор. Ҳозир бу қурол ҳамма жойда ҳаракатга келган. Унинг ўқи — ғарбнинг турмуш тарзи. Гап шундаки, уни айнан, йўнмасдан, ишлов бермасдан, ҳеч қандай ўзгаришсиз қабул қиласизлар, деб талаб қилишяпти. Бу талаб ҳаммага бирдай, шу жумладан, арабларга ҳам қатъий қилиб қўйилляпти. Араблар эса демократияда ғарб модели нухасини айнан кўчириб олмай, ўз миллий анъана ва қадриятларимизни эътиборга олган ҳолда мўътадил моделни қабул қилайлик, дейишяпти. Ғарб модели «дахолари» эса йўқ, деб тазийк ўтказишяпти.

АДЛ саммитида Ливия раҳбари Муаммар Кадафи ҳам худди шу йўналишда гапирди. У бутун араб дунёсини миллатнинг миллий қадриятларига ёт бўлган турмуш тарзини импорт қилишга қарши қуралга чакирди. Ғарб демократиясидан нухса кўчиришдан кўра, жойларда омманнинг ўз-ўзини бошқариш тизимини ташкил этишнинг ахамияти каттарoқ, деди Ливия раҳбари. АДЛ бош котиби Амр Мусо ҳам бу борада баёнот бериб, шундай деди: «Барча араб мамлакатларида ислохотлар йўли давом эттирилади. Араб дунёси тараққиёт йўлидан дадил оидимлаб, демократик тамойилларни мустаҳкамлаб, ўз фуқароларининг сиёсий ҳаётидаги иштирокини таъминлаб ва кенгайтириб боради». Бунда асосан миллий анъана ва қадриятлардан келиб чиқиб, умумараб оиласини мустаҳкамлашга ҳамда араблар ўртасида интеграция жарафини кучайтиришга катта ахамият берилади.

Ҳа маъини, ғарб демократияси «дахолари» айтганича бўла қолсин, дейиш мумкин. Унда араб йиғитининг араб йиғити билан турмуш қуришини, араб қизи ўз дугонаси билан никоҳдан ўтишини ёки кимдандир, нимадандир норози бўлган мўйсафид арабнинг кўчада, майдонда ёки одамлар гавжум жойда қил-яланғoқ ҳолда сайр қилиб юришини бир тасаввур қилиб кўринг-а?! Ёки қайси араб қариганда неваро боқилдан кўра ит боқини афзал, деб билади? Ёки ота-онага ҳурматсизликни араблар кечира олармикан? Ғарб дунёси билан араб дунёси, тўғриси, бошқа-бошқа дунё. Буни тазийк ўтказиш билан бир қолига солиб бўлмайди.

Ғарб демократиясининг баъзи «дахолари» Ироқда демократияни жорий этдик, деб ўз кўнглиларини ўзлари чоп этишляпти. Аслида бу ерда сиёсий бошбошқоқлик ҳўкм сурмоқда. Ҳатто янги Конституциянинг лойиҳаси юзасидан ҳам бир тўхтамага келинмади. Учта етакчи сиёсий

куч уни уч томонга тортиқляпти. Фикрлар тарқoқ, таклифлар қарама-қарши. Ташқи куч ғарб демократияси тамойилларидан келиб чиқиб, давлат қурилиши асосларини белгилаш масаласида тазийк ўтказишга уриняпти. Гўё ироқликлар ўзгаларнинг турмуш тарзисиз яшай олмайдигандай, мажбурлаш орқали қабул қилинган сиёсий қонун ноқонунийдир, дейишмоқда мамлакатдаги айрим сиёсий кучларнинг етакчилари. Олдий халқ бировнинг «диктовкаси» билан қабул қилинадиган қонунни тан олмақчи эмас. Биров томонидан қўйилган ҳўқуматга ҳам унчалик ишонч йўқ. Шунинг учун ҳам шу йил октябр ойида мамлакатда йил охирига қадар референдум ўтказиш мўлжалланмоқда.

Аббатта, ғарб демократиясига мўносабат барча араб давлатларда бир хил эмас. Масалан, мисрликлар ҳаётида араб дунёси билан ғарбнинг турмуш тарзи мўлҳум даражада уйғунлашиб кетган. Қоҳирада ғарбга хос манзаралар ҳар қадамда кўзга ташланади. Қўзил денгиз қирғоғида жойлашган машҳур Хургада шаҳридаги ҳаётни эса Европага қўйсалаш мумкин. Афтидан, мамлакатнинг бошқарув тизимида ҳам ўзгариш кутилимоқда. Мисрда прецидентлик сайлови энди муҳобирлик асосида ўтказилади.

Бироқ аксарият араб давлатлари АҚШ ҳамда Ғарбий Европа мамлакатлари билан яқин ва яхши мўносабатларни сақлаб қолиб, керак бўлса алоқаларни яна ҳам мустаҳкамлаган ҳама ривожлантирган ҳолда иқтимоий ҳаётда демократиянинг ўзларига хос ва ўзларига мос йўлини танлашни афзал деб билимоқдалар.

Сўзсиз, араблар ҳеч қачон тарихий асосга эга бўлган ва минглаб йиллар мобайнида шаклланган ўз турмуш тарзларидан воз кечмайдилар. Умуман, арабларнинг ҳаёт тарзи ва маданияти, миллий анъана ва қадриятлари бутун араб дунёсида чўқур илдиз отган. Бу илдизни чопиб ёки сугуриб ташлаб, унинг ўрнида ўз новдаларини кўкартирмоқчи бўлаётганлар алдашади. Ҳар бир халқнинг ўз илдизи бор. Жумладан, арабларнинг ҳам.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи


«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
давлат акциядорлик тешир йўл компанияси

«ЭЙВАЛЕКМАХСУСТЕМИРБЕТОН»

очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси

азиз юртдошларимизни,
шу жумладан, Ватанимиз қудратини
дунёга танитишда ўз ҳиссаларини
қўшаётган, ишлаб чиқариш соҳасидаги
ҳамкоримиз бўлган темирйўлчиларни,
шу билан бирга касбдошларимизни
буюк байрамимиз —
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ
билан муборакбод этади.

Азиз ватандошлар!
Барчангизга бахт-саодат, энг асосийси
сахат-саломатлик ҳамisha ёр бўлсин!



Таҳлил, мулоҳаза, муаммо

ДЕҲҚОН ХҲЖАЛИГИ

ВА УНИНГ УСТУНЛИГИ НИМАДА?

Бозорнинг ўз қонун-қоидалари бор. Қачонки, уларга қатъий амал қилинса ва ҳожиати чуқур англаб етилса, кўзланган ютуқларга эришилади.

Лекин бозор шароитига кўникиш осон эмас. Бундан ўтган йиллар тажрибаси яқин кўрсатди. Яъни, тараққиёт тасодиф эмас, балки зарурият, деган тушунча ўзини оқлади. Чунки, бозор меҳнатга муносабат шакллари-нинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб бермоқда. Мулк шаклининг турлари синондан ўтиб, афзал шакллари ривожланиб, етакчи кучга айланиб бермоқда. Бир қарашда кичик ва у қадар кўзга ташланмайдиган деҳқон хўжаликлари тизими Қашқадарёда ўз йўлига тушиб олди. Унинг ижобий жиҳатларини одамлар англаб етиб, деҳқон хўжаликлари тузиш бўйича қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар.

Ҳозир воҳада 436 мингдан зиёд деҳқон хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, уларга 76 минг гектардан ортиқ ер ажратиб берилган. Ҳар бир деҳқон хўжалиги ўзига хос мўъжазига бўлиб, мулк оиланинг барча аъзоларига тегишли. Энг муҳими, ишлаб чиқарилган маҳсулотни қаерда, қачон ва қандай нарҳда сотишни ҳам уларнинг ўзлари ҳал этадилар. Берилган имтиёзли муддат уларга барқарор ривожланиш имконини яратди. Шу боис ҳам деҳқон хўжаликлари сони муттасил ўсиб бораётти. Масалан, 2003 йилда улар 430 мингга ташкил этган бўлса, 2004 йил бошида 435 минггадан ортиб кетди. Шундан 17,6 мингтаси ҳуқуқий мақомга эга деҳқон хўжаликлари-дир. Бунда кичик бизнес тузилмаларига ажратилган ер миқдори ҳам ўсиб бораётгани диққатга сазовор. Жумладан, 2003 йилда 72,9 минг гектар ерда маҳсулот етиштирган деҳқон хўжаликлари муайян ютуқларга эришганликларини боис, 2004 йилда ажратилган ер 75,6 минг гектарга етди. Мазкур кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 103,7 фоизни ташкил этади.

Айниқса, аҳолини мунтазам гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда деҳқон хўжаликлари-нинг ўрни оқиб. 2004 йилда вилоят бўйича 106,5 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, бунинг 100,3 минг тоннаси деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Кўриниб турибдики, бу борада — ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам бизнес муҳити мавжудлиги асосий омил бўлмоқда. Чирокчи туманида 49 минг, Қарши шаҳрида 43 минг, Яқабғо туманида 38 минг, Косон туманида 38 минг деҳқон хўжаликлари тузилгани боис, уларда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш миқдори сезиларли даражада ортди.

Чирокчи туманида етиштирилган 14,8 минг тонна гўштни 14,3 минг тоннаси, Камаш туманида етиштирилган 11,1 минг тонна гўштни 10,8 минг тоннаси ҳам айти шундай жамоалар меҳнати маҳсулидир.

Кейинги пайтда аксарият ширкат хўжаликлари қайта ташкил этилиши муносабати билан фермаларда қорамоллар маҳсулдорлиги пасайиб, сут ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетди. Аҳолининг сутга бўлган эҳтиёжини қоплаш эса асосан деҳқон хўжаликлари зиммасига тушди. Бозорни чуқурроқ ўргана бошлаган деҳқон хўжалиги вакиллари юзага келган вазиятдан унумли фойдаланиб, сут бозорига етакчилиги ўз қўлларига олдилар. 2004 йилда вилоятда 395,4 минг тонна сут тайёрланди. Бунинг ҳам 383,4 минг тоннаси деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келишини инобатга олсак, демак уларнинг нуфузи тобора

ортиб бораётганлигига амин бўламиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: сут тез бузилувчи маҳсулот бўлгани учун уни соғиб олиб буюртмачига, ёхуд бозорга етказиб беришда қатор ноқулайликлар юзага келиши, табиий. Сир эмас, аксарият деҳқон хўжаликлари маҳсулотини манзилга вақтида етказиш муаммосини ҳал этишда қатор қийинчиликларга учрайтилар. Натижанда, маҳсулот сифати бузилган ҳоллар тез-тез содир бўлмоқда. Уларга қулайлик яратишининг бирдан-бир йўли — жойларда сутни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган кичик цехларни барпо этишдир. Бу — у қадар катта маблағ талаб қиладиган жараён эмас. Етиштирилётган сут ўз ҳудудда қайта ишланса ва тайёр маҳсулотга айлантирилса, бундан тадбиркор ҳам, истеъмолчи ҳам манфаатдор. Ана шунда аҳолининг хориддан келтирилётган сариёғ, маргарин ва бошқа сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобидан қоплаш имкони юзага келади.

Агар тармоқда деҳқон хўжаликлари ҳиссаси ортиб бораётган экан, энг аввало, улар учун қулай бизнес муҳити яратилганлиги ва эркин ривожланиши учун инфратузилмалар мавжудлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, деҳқон хўжаликларида туҳум етиштириш ҳажмининг ҳам ортиб бораётганлигини олайлик: 2004 йилда вилоятда 111 миллион 604 минг тона туҳум тайёрланган бўлса, унинг 87 миллион 524 минг донаси деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилди. Эки улар томонидан 2003 йилга нисбатан 10 миллион донга кўп туҳум тайёрланди.

Аммо, бу ҳали бозор иқтисодиёти талабларидан бирмунча паст кўрсаткич. Негаки, деҳқон хўжаликларида туҳум етиштиришда агробизнес тамойилларига тўла амал қилинапти, дея олаймики. Тузилмада туҳумни муттасил кўпайтиришда паррандачилик учун тўйимли, витаминларга бой, махсус озқалар тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Модомики, вилоятда туҳум етиштиришда деҳқон хўжаликлари етакчилик қилаётган экан, уларни бундай озқалар билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга тўғри келади. 2004 йилда вилоятда паррандалар сони 1 миллион 300 минг бошга етган бўлса, унинг 1 миллион 8 минг боши деҳқон хўжаликлари товуқларидир.

Яна бир мисол. Вилоятдаги 646,2 минг бош қорамолнинг ҳам 596,8 минг боши деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Демак, чорва молларига ветеринария хизмати кўрсатиш масаласини ҳам ўйлаб кўроқ керак. Чунки, деҳқон хўжаликлари учун ветеринария хизмати кўрсатиш, уларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш тизими яратилмаган.

Вилоят ҳокими қарори билан деҳқон хўжаликлари ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Айниқса, аҳолиси зич Шаҳрисабз, Китоб туманларида деҳқон хўжаликлари тузиш учун ер ва кредит ажратиш вилоят ҳамда туман ҳокимликлари диққат марказида турганлиги тизимни барқарор ривожлантиришда кўл келмоқда. Шу маънода, деҳқон хўжаликларида энди фақат хомашё ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасдан, уни қайта ишлашга киришиш вақти ҳам келди, дейиш ўринли. Бунинг учун уларга мўъжазгина қайта ишлаш технологияларини таклиф этиш ва сотиб олишда кўмаклашиш керак бўлади.

Норбой УЗОҚОВ,
Қарши давлат университети иқтисод назарияси кафедраси мудири, профессор.

Спорт

МУСТАҚИЛЛИК ВА КУРАШ

Кўпчиликка маълумки, яқинда Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов бошчилигидаги делегация Халқаро Олимпия кўмитаси бош қароргоҳи жойлашган Лозанна шаҳрига ташриф буюриб, курашимизни Олимпия ўйинларига киритиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Миллий матбуот марказида ўтказилган тадбир ҳам ана шу сафар таассуротлари ҳақида бўлди.

Икки халқаро ташкилот раҳбарлари ўртасидаги расмий учрашув 28 июль кунини ХОКнинг Швейцариядаги бош қароргоҳида ўтказилди.

Расмий учрашув чоғида ХОК Президенти Жак Ротге сўз олиб шундай деди: «Мен Кураш халқаро ассоциациясининг охиригача йилдаги фаолиятини қизиқиб кузатар эканман, сизлар нақадар машаққатли ва катта ишларни амалга оширганлигинизга гувоҳ бўлдим. Курашнинг қисқа вақт ичида дунёнинг беш қутбасида оммавийлаштириш катта ютуқ. Ҳақиқатан ҳам кураш узок тарихга эга. Сизлар кучли давлат ва буюк миллат вакили-сизлар. Кураш Олимпия ўйинларига кирди. У шунга мўносиб».

Биринчи Олимпия ўйинлари бўлиб ўтганига юз йилдан ошди. Шундан бери барча халқлар ўз миллий спортини Олимпия ўйинларига киритишга ҳаракат қилади. Бунга эришиш эса осон эмас. Ўзбекистон делегациясининг Лозаннага ташрифи, у ерда Халқаро Олимпия кўмитаси Президенти Жак Ротге билан олиб борилган музокаралар ўз самарасини берди. Қадимий ва навқирон курашимиз Олимпия ўйинларига киритилишига мўносиб. Zero, курашимиз мустақиллик туғайлигини қўйиб охири, миллионлаб одамларнинг сеvimли спорт турига айланди.

Равшан ШОДИЕВ



«ГАЛЛА — АЛТЕГ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ


мамлакатимизнинг барча фуқароларини энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади.

Истиқлол туғайли юртимизда иқтисодий тараққиётнинг залворли эшиклари кенг очилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан янги маҳсулот турларининг кўпайишига, қўшимча янги иш ўринларини яратишга имкон бермоқда. Шу боис, жамиятимиз тизимидаги корхоналар ҳам ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ва замонавий усулларида кенг фойдаланиб, юксак самарадорликка эришмоқдалар.

Биз ишлаб чиқараётган, темир моддаси билан бойитилган ун ва ун маҳсулотлари сифати харидорлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Мустақил ватанимиз равнақи, тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг барчасига осойишта ҳаёт ва фаровонлик тилаймиз!

Оллоҳ назари тушган юртимизда тинчлик ва тотувлик ҳамisha барқарор бўлсин!



«Галла — Алтег»

акциядорлик жамияти жамоаси

Ислохот чорраҳаларида

**ИҚТИСОДИЁТ ВА
РАҚОБАТБАРДОШЛИК**

УНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Мамлакат аҳолиси турмуш тарзининг тобора яхшиланишига эришиш иқтисодий ўсиш даражасига боғлиқ. Шундай экан, иқтисодиётнинг барча тармоқларида эндиликда субъектлар рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш — бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий хавфсизлик давлат хавфсизлиги тизимининг ажралмас ўзак қисми бўлиб, мамлакатда рақобатбардош иқтисодий муҳитни яратиш, кишиларнинг ижтимоий яшаш шароитини яхшилаш, экологик ҳамда экстремал хавфлардан ҳимоя қобилигини барпо қилиш, аҳолининг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи миллий иқтисодиётни шакллантириш масалаларини ўз ичига олади.

Иқтисодий хавфсизлик — мамлакат миллий иқтисодиёти хавфсизлигини таъминловчи омиллар ва шарт-шароитлар мажмуи бўлиб, унинг барқарорлиги (доимо янгиланиб, ривожланиб бориши)ни ҳам кафолатлайди.

Иқтисодий хавфсизликнинг яна бир муҳим жиҳати — иқтисодий хавфли ҳолатларнинг олдини олишдир. Иқтисодий хавфли ҳолатлар одатда давлатлараро ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг кескинлашуви, ҳарбий низоларнинг вужудга келиши, ички сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, ёхуд ижтимоий кескинликнинг кучайиши туфайли пайдо бўлади. Шунингдек, мамлакатдаги демографик вазиятнинг кескин ўзгариши, мамлакат ичкариси ва ташқарисида товарлар, хизматлар ҳамда капиталлар бозорларида рақобат курашининг кучайиши, ҳаётий муҳим ресурслар захираларининг тугаб қолиши, мамлакатда ёки хорижда стихияли офат ва экологик фалокатларнинг юзга келиши каби вазиятлар натижасида ҳам вужудга келиб туради.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосининг яна бир муҳим томони — миллий иқтисодиётнинг, мамлакатнинг моддий неъматлари бўлган ҳаётий муҳим эҳтиёжларни қондириш лаёқатига ички ва ташқи омиллар таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Ички омиллар миллий иқтисодий фаолият субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлса, ташқи омиллар давлатлараро савдо-иқтисодий муносабатларда кўринади. Бу ерда шунини алоҳида айтиб ўтиш керак, импорт интервенциясидан ҳимояланишнинг бош омилларидан бири — тармоқ рақобатбардошлигини ошириш. Шу билан бирга ҳукумат томонидан бунга доир бир қанча чора-тадбирлар кўриб борилиши ҳамдир.

Ўзбекистонда импорт маҳсулотларга божхона божлари, яримбожхона характеридаги божлар таърифлари кенг қўлланиб келинмоқда.

Албатта, бу ерда миллий иқтисодиёт тармоқларида корхоналар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида баъзи технологик жиҳозлар, дастгоҳ ва усуналар, ёғоч ҳамда ёғоч материалларига энг паст 0 фоизли божхона тарифлари белгиланганлигини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Шунингдек, ички ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида, божхона тарифларини белгилашда мамлакатнинг минтақавий хусусиятлари эътиборга олинса, фойдадан холи бўлмас эди. Сабаби, республикада импорт интервенцияси кучли намоён бўладиган минтақалар ва туманлар мавжуд. Масалан, Тошкент, Андижон вилоятларида бевосита ташқи давлатлар чегаралари билан туташ туманлар сони нисбатан кўп бўлиб, ўз навбатида бу минтақаларда экспорт-импорт операцияларини, савдо-иқтисодий муносабатлар интенсификацияси кузатиш мумкин. Ҳатто баъзи туманлар чет эл маҳсулотлари ноқонуний йўл билан кириб келишида «коридор» вазифасини ўтаб беради. Бу ҳолат миллий иқтисодиёт тармоқларида рақобатбардошликни оширишга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Шундай экан, миллий иқтисодиётнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ва унинг рақобатбардошлигини оширишда — мамлакат минтақавий хусусиятлари алоҳида инобатга олинади.

Марҳабо ИШРАНОВА,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси

**ЖИЗЗАХ ҲУДУДИЙ
ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ**

**Сиз, азиз юртдошларимизни мамлакатимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ
муносабати билан қизгин муборакбод этади.**

*Кўхна тарих учун жуда қисқа муддат
ҳисобланган 14 йил мобайнида
Ўзбекистонимизда улкан иқтисодий,
ижтимоий ислохотлар амалга оширилди.
Бундай улуз ишларда бизнинг ҳам
камтарона ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.
Зеро, шиоримиз мижозларга хизмат
кўрсатишнинг янги, самарали усулларини
излаб топшиш, уларга кенг қулайликлар яратиш.*

**Юртимизда тинчлик-хотиржамлик
бўлишини, элимиз дастурхонларидан
қут-барака аримаслигини тилаб қоламиз.**

ХОРАЗМДАН ИККИ ХУШҲАБАР

Питнак Хоразмнинг энг чекка худуди. Бу ердаги икки ширкат хўжалиги замида ташкил этилган юзга яқин фермер хўжаликлари асосан пахта етиштиришади. Шунингдек, вилоят марказидан икки юз чакрим узокликда жойлашган Тупроққалъа мавзесида ҳам пахтакор фермерлар оз эмас.

Бугунга қадар ана шу худудлар пахтаси ҳосили Ҳазорасп пахта тозалаш заводига ташиб келтирилди. Ҳукуматимизнинг фермер хўжаликлари ривожланиши учун яратиб бераётган имконлари доирасида Питнакда ҳам пахта тозалаш заводи қуриладиган бўлди. Йилига икки минг тонна пахта толаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлгуси корхона тез орада вилоятнинг янги sanoat мажмуалари сафидан ўрин олади.



Вилоят маркази — Урганч шаҳри «Шовот» каналининг икки соҳилига жойлашган. Бундан ярим асрча муқаддам каналга қурилган илк кўприк кейинчалик тўрттага етди. Аммо, вақт ўтиши билан илк кўприкни таъмир қилиш эҳтиёжи туғилди ва анча кенгайтириладиган ҳам бўлди. Энди 21 метр бўладиган маъзур иншоотни Хоразм кўприклардан фойдаланиш ва таъмирлаш корхонаси қурувчилари Мустақилликнинг ўн тўрт йиллиги тантаналарига қадар ишга туширишни ният қилишган.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири


ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 23 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	851,67	1 Польша злотийси	341,36
1 Англия фунт стерлинги	2034,43	1 СДР	1653,89
1 Дания кронаси	184,91	1 Туркия лираси	819,97
1 БАА дирҳами	307,87	1 Швейцария франки	889,51
1 АКШ доллари	1130,74	1 ЕВРО	1378,03
1 Миср фунти	196,22	10 Жанубий Корея воени	11,06
1 Исландия кронаси	17,70	10 Япония иенаси	102,66
1 Канада доллари	933,42	1 Россия рубли	39,54
1 Хитой юани	139,52	1 Украина гривнаси	223,91
1 Малайзия ринггити	300,29		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъзур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тақрироти жамоаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломовга олмаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Ҳамид ҒУЛОМ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



**Мустақиллик айёми муборак бўлсин,
азиз ватандошлар!**

